ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01137

СОҒЛОМ АВЛОДНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ПРЕНАТАЛ ДАВИРНИНГ АХАМИЯТИ ВА УНГА ДОЙР ТАВСИЯЛАР

Содик Мадаминович Мадаминов
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти доценти

АННОТАЦИЯ

Баркамол авлодни шакиллантириш учун давлат ва жамият тарафидан қиланаётган барча сайхаракатларни аксарият қисми фарзанд тўғилгандан кейн унинг саломатлигини ва тарбиясини назорат қилиш ва бу сифатларни талаб даражасига олиб чиқишга қаратилган. Лекин баркамол авлодни келтириб чиқаришда оилаларда соғлом фарзанд туғилиши, хам оиланинг ва жамиятнинг бахтли ва мустаҳкам бўлишида, асосий омиллардан хисобланади. Шунинг учун келажакда мустаҳкам баркамол ва бахтли оилаларни келтириб чиқариш жамиятнинг, ва давлатнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Оилада ногирон тўғилган фарзандни бир умирга саломатлигини асраш ва унинг ижтимой иқтисодий таминлаш ва маънавий тарбиалаш ўта мухим лекин, уша фарзанднинг аввало соғлом тугилишига эришиш ва бунинг учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш мақсадга муофиқ деб хисоблаймиз.

Калит сўзлар: Баркамол авлод, хомладорлик давирлари, репродутив хуқуқ ва репродуктив саломатлик, оила муаммолари, тўғма касалликлар, ахолининг репродутив ҳуқуқини билиш даражалари.

КИРИШ

Ҳар бир давлатнинг, ҳар бир жамиятнинг баркамол ва барқарор бўлиши, ҳалқнинг бахту-фаровонлиги биринчи навбатда унинг асосий бўғини бўлган Оилага боғлиқ. Мухтарам президентимиз “Оила кичик бир ватан, Оила тинч булса, бахтли булса ватан тинч булади деган сўзлари буни исботидур!

Шунининг учун хам хар бир давлат ўзини қадриятлари, манавияти ва моддий бойликларидан келиб чиқан холда Оила институтини мустахкамлашга, барқарорлашга хамда хар томонлама химоя қилишга харакат қилади. Бу сохада Ўзбекистонда хам куплаб илмий амалий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан “Оила – жамият ва давлат химоясида” конституциявий принципни тарғиб этиб ва жамиятга сингдириш ишларини олиб борилиши; Вазирлар Махкамаси хузуруда “Оила” илмий – амалий тадқиқот маркази ташкил этилиши, Президентимиз ташабуслари билан Республикамизда “Бўлғуси келин – куёвлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01137

иннавацион мактабини” ташкил ж-этилиши. Ва Республика фуқораоларни репродуктив хуқуққ ва саломатликларига қаратилган қонун ва қарорлар бунга яқол мисол бўла олади.(4 – 5)

Оилани мустахкамлаш орқали жамиятни ва давлатни баркамол қилишга ққаратилган чора – тадбирлани ўрганиш ва мухокама қилиш шуни қўрсатдики бундай чора – тадбирларни аксарият қисми Оилани тарбиясига хамда Оила азоларни манавиятини юксалтирига қаратилган хатто Оилада содир этиладигон ҳуқуқбузарликларга алохида ахамият берилиб бундайларга қуриладигон чора тадбирлар хам ишлаб чиқилган (8). Шунингдек Оила муамоларининг сабабларини хамда уларни олдини олиш чора тадбирларини халқни онгига сингдириш механизимлари хам талайгина. Афсуски бугунги кунда Оилани бахт мезонини аниқлайдигон иккинчи (балки биринчи) омилга яни Оилада соғлом фарзанд дунёга келишига қаратилган чора тадбирлар ва амалий ишлар хали ўз йечимини топган эмас. Туғри Оила азоларини талим тарбияси, маданияти, узаро мехир оқибатлари ушбу Оилани бахту – камолини аниқлайди, лекин ушбу Оилада бирорта қассалик билан туғулган фарзанд дунёга келса ушбу Оила учун катта бахтсизлик эканини хам хақиқат.


Демак Оиланинг бахтли ва мустахкам бўлиши учун асосий омиллардан бири ушбу Оила – аъзоларини соғлиқ – саломатликлари хам эканлигини инобатга олиб ушбу сохадаги камчиликлар бартараф этилиши лозим деб хисоблаймиз. Ушбу сабабдан биз кейнги 10 йил ичида туғма касалликлар ва ирсий касалликлар билан туғулган чақалоқлар сони ва сабабларини урганиб керакли хуллоса ва тавсиялар беришга қарор қилдик

Ушбу сохада тегишли айрим манбаларда келтирилган маълумотлар ва ота – боболаримиздан қолган угутларда бўлғуси келин – куйовларни хамда уларни насл – насабларига катта ахамият берилганлигини кўрамиз. Бу борада Амир Темурнинг “ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл – насабни, уни пуштини суриштирдим. Келин бўлиш насл – насаби, одоб – аҳлоқи, соғлиги ва бақуватлиги билан барча қусурлардан холи булсагина эл – юртга катта туй – томоша бериб, келин тушурдим” деган сузлари яқол мисол бўла олади (1). Хуллас ота – боболаримиз Оила саломатлигига катта ахамият беришган ва бу жараённи ўша пайтаги ягона имконият яни насл танлаш орқали амалга оширишиб келишган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01137

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кунга келиб илим – фан хамда техник воситалар жуда ривожланиб кетди. Илгари туғулажак фарзандни ўғил йоки қизлигини хамда касаллик билан туғулишини мумкунлиги фақат у туғулганда билинган бўлса, хозир эмбриология фани ривожлангани туфайли туғулажак фарзандни хомиладорлигини биринчи куниданоқ аниқлаб ўни биринчи кунданоқ аниқлаб унинг ривожланиш жараёнининг 9-ой давомида мунтазам равишда назорат қилиб бориш имкониятига эгамиз. Яни болани соғломлаштириш чора тадбирларини у тугулмай туриб бошлаш зарур. Куйдаги жадвалда хомилани ривожланиш давирлари ва унинг хавлик даражалари келтирилган.



Демак шундай имкониятлардан фойдаланиб у йоки бу туғма кассаликларни ўз вақтида мумкин қадар эртароқ аниқлаб, ўз вақтида ва керакли чора – тадбирлар кўриш туфайли соғлом фарзанд тўғилишига эришишимиз бугунги кун талаби. Чунки ногирон туғулган фарзандни кейн бир умир даволаш туфайли доимий парваришлаб, тарбиялаш орқали ўша Оилани бахтли ва мустахкам қила олмаймиз. Акс холда хомиладорликни бошиданоқ туғри турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, шунингдек хомиладор аёлни руҳий жисмоний зўриқишлардан авайлаб уларни Оилаларидаги нотинчлик ночорлик ва бошқа муаммолардан асраш орқали хар бир Оилада соғлом фарзанд туғилишига эришиш соғлом орқалигина, бахтли авлодни келтириб чиқаришимиз мумкин!

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01137

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Республикамизнинг айрим худудларида олиб борилган илмий – тадқиқотларимиз хамда Оила муаммоларига бағишланган анжуманларда

2019 - 2020 йил июл ойи ва 12 ой давомида нуқсонли туғилган чақалоқлар тўғрисида маълумот

№	Шахар ва туманлар	12 ойлик			
		2019 й		2020 й	
		абс	%	абс	%
1	Фарғона ш	30	0,5	20	0,3
2	Қуқон ш	12	0,2	6	0,1
3	Қувасой ш	6	0,3	7	0,3
4	Марғилон ш	14	0,3	22	0,3
5	Олтиариқ т	6	0,1	2	0,03
6	Қўштепа т	9	0,2	9	0,1
7	Боғдод т	13	0,2	12	0,2
8	Бувайда т	20	0,4	23	0,3
9	Бешариқ т	14	0,3	10	0,1
10	Данғара т	5	0,1	7	0,1
11	Қува т	17	0,3	10	0,1
12	Учкуприк т	9	0,2	5	0,08
13	Риштон т	6	0,1	9	0,1
14	Сух т	1	0,0	3	0,1
15	Тошлоқ т	13	0,3	16	0,3
16	Узбекистон т	11	0,2	10	0,1
17	Фарғона т.	10	0,2	10	0,1
18	Фурқат т	7	0,2	7	0,2
19	Ёзёвон т	10	0,4	8	0,2
	Жами:	213	0,2	196	0,2

келтирилган малумотлар шуни кўрсатдики Республикамизда нотинч ночор ва муаммоли Оилалар кўрсаткичи хали юқори бўлиб уларни келиб чиқиш сабаблари урганилганида: спритли ичимликларга ружу қуйиш 30,4%, мумтазам Оилавий жанжал 44,3%, ва моддий етишмовчилик 10% ни ташкил этган (3).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01137

Фарғона вилоятида 2010 – 2011 ва 2019 – 2020 йилардаги туғма касаликлар сони ва уларнинг динамикаси қуйдаги жадвалда келтирилган.

2010 - 2011 йил Декабр ойи ва 12 ой давомида нуқсонли туғилган чақалоқлар тўғрисида маълумот.

№	Шахар ва туманлар				
		12 ойлик			
		2010		2011	
		абс	%	абс	%
1	Кукон	27	0,4	29	0,4
2	Кувасой	14	0,3	6	0,3
3	Олтиарик	8	0,3	7	0,3
4	Куштепа	5	0,5	9	0,5
5	Богдод	24	0,3	15	0,3
6	Бувайда	24	0,4	23	0,4
7	Бешарик	14	0,5	9	0,5
8	Учкуприк	20	0,3	27	0,3
9	Дангара	20	0,3	24	0,3
10	Кува	16	0,4	19	0,4
11	Тошлок	12	0,5	7	0,5
12	Сох	5	0,2	0	0,2
13	Риштон	18	0,4	15	0,4
14	Фаргона т	14	0	9	0
15	Узбекистон	21	0,3	29	0,3
16	Фуркат	6	0,2	9	0,2
17	Ёзёвон	5	0,3	8	0,3
18	Фаргона ш	16	0,3	16	0,3
19	Маргилон	25	0,4	15	0,4
	Жами:	294	0,4	276	0,4

Жадвалдан куриниб турибдики Оилаларда турли туғма касалликлар билан туғулиш холлари талайгина булиб улардан нерв тизими ва юрак – қонтомир касалликлари биринчи ўринда экан. Муаммони иккинчи томони шундан иборатки Республикамизда туғма ва ирсий касалликлар билан туғулишини олдини олишга йуналтирилган кўпкина чора тадбирлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01137

мавжудлигига қарамай, аҳолининг репродкутив саломатлиги ва репродуктив хуқуқини билиш даражаси ўта пастлигича қолмоқда. Кейнги йилларда олиб борилган илмий – амалий тадқиқотларга кура 16 – 19 ёшидаги ахолининг шу сохадаги билим даражаси атиги 16 – 19%ни ташкил қилган булиб улар хам ушбу хуқуқларидан тўла ва мунтазам равишда фойдаланаолмасликлари маълум бўлди (7).

Масалани яна бир томони шундан иборатки бугунги кунда хомиладорликни 3та учойлик даврига (триместр)га булиб хар бир даврни туғулажак бола саломатлтгига тасири ва талаблари хар томонлама ўрганилиб чиқилди хомиладор аёларга хомиладорлик даврида қаттиқ амал қилиш керак бўлган тавсиялар берилган. Бу тавсиялар айниқса хомиладорликни биринчи 3 ойлик даврида катта ахамиятга эга эканлиги алохида исботи билан тасдиқланган. Бундай тавсияларда хомланинг ривожланиш жараёни ва ушбу жараёнда хомиладор аёллар рухан, жисмонан қандай холатда булиши ва қандай овқатланиши хамда қандай махсулотларни истимол қилишлари кераклиги, акс холда булажак фарзандда қайси касаллик ёки нуқсон пайдо бўлиш хафи мавжудлиги аниқ курсатилган. Ўша жадваллардан бири қуйда келтирилган.

Хафта	Хомиладорлик даврида овқатланиш жадвали
1 – 2	Фоли кислотасига бой бўлган маҳсулотлар, салат барги, сариқ рангли мевалар, йогурт пишлоқ. Фаст – фуд ва ёгли ва ўта ширин махсулотлардан воз кечиш
3	Сут махсулотлари ва мевали шарбатлар, сабзавотлар (цинк, марганец) гўшт , бодом, сабзи, ёнгоқ.
4	Кофе махсулотларидан воз кечилади.
5	Бу даврда жуда куп сабзи, манго, ўри
6	Суюқли куп ичиш керак 6 – 8 стакан бир кунда Узум, кашалар, йогуртлар
7	Ошқозонда газ топловчу моддалардан воз кечиш Карам, чипс ва қовурилган картошка
8	Токсикозда эртлабдан имбирлик чой ва ёнгоқ тавсия этилади

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01137

9 – 10	Бу даврда шакар миқдорини камайтириш, қора нон махсулотларини куайтириш.
11 – 12	Ўзингизни тингланг. Организм нимани танласа ўша нарсларни танавул қилинг
13 – 16	Хомиладор аёлнинг овқатланиш рационини 300 кКал кўпайтириш
24 – 28	Ачиқ маҳсулотлардан воз кечиш
29 – 34	Керакли даражада ёнгоқ, балиқ, гушт, семичка, ва сут махсулотлари
35 – 40	Бу даврда сабзавотлар,

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан холда айтиш мумкинки келажакда соғлом авлодни шакиллантиришда аввало хомиладорликни биринчи 3 ойлик даврига катта ахамият берилиши керак. Чунки бу давр энг мухим давр булиб оила азоларига, жамиятга, тиббиёт ходимларига катта маъсулятлар юклайди. Соғлом фарзанд дунёга келиши учун оила азолари тиббиёт ходимлари ва жамият биргалашиб куйдаги чора тадбирларни амалга оширишларини тавсия этамиз.

1) Республика олийгохларида ва ўрта махсус таълим муоссасаларида юқориги курслар учун ўқув режаларига 10 соатлик репродуктив аломатлик в репродуктив ҳуқуқ дарси киритилиб бу дарсларни тажрибали гинеколог ва ҳуқуқшуноз тмонидан олиб борилиши керак.

2) Хомиладор аёлларга тиббий ва ҳуқуқий ёрдам курсатиш учун хар бир махалаларда гинеколог – юрист маслахати хоналарини ташкил этиш орқали, хомиладор аёлларни психо-эмоционал, моддий ва социал муаммоларини ўз вақтида қонуний химоя қилиб бориш керак.

3) Хомиладор аёлларга айниқса биринчи уч ойлик даврида психо-эмоционал, моддий йва рухий хамда бошқа муаммолар-босимлар келтириб чиқарган шахсларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш керак.

REFERENCES

1. Амир Темур “Темур тузуклари” Тошкент Навруз 1992йил 45 бет
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси т. 2009йил 13 бет
3. Навоий вилояти “Оила” илмий – амалий тадқиқот маркази хисоботидан 2009 йил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01137

4. Ўзбекистон Рempубликаси президентининг 2018йил 27 июнидаги “Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мусстахкамлаш концепцияси тасдиқлаш тўғрисидаги 3808 сонли қарори” www.lex.uz
5. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017йил 17 февралдаги 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган харакатлар стратиегияси тўгрисидаги ПҚ 4749 сонли фармони www.lex.uz
6. Акрамова Ф.А “Оила сиёсати Оила муаммоларининг хориж тажрибалари” “Оила институтининг ижтимой тарақиётдаги урни ва Оила мустахкамлигини таъминлаш оминлари” мазусидаги Республика онлайн илмий – амалий анжумани материаллар тўплами . Наманган 2020, 8бет
7. Хужаева М.А “Уровень знаний о законах “репродуктивного здоровья среди населения”. Оила институтининг ижтимой тарақиётдаги урни ва Оила мустахкамлигини таъминлаш оминлари” мазусидаги Республика онлайн илмий – амалий анжумани материаллар тўплами . Наманган 2020, 64бет
8. Шеров М.Б “Оилада хуқуқий тенгликни таъминлаш ва хуқуқий маданиятни шакиллантиришнинг тарихий ва замонавий асослари” ; “Оила институтининг ижтимой тарақиётдаги урни ва Оила мустахкамлигини таъминлаш оминлари” мазусидаги Республика онлайн илмий – амалий анжумани материаллар тўплами . Наманган 2020 йил, 40бет